



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2020 йил 28 май, № 112 (7614) Пайшанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Айниқса, бозорлар, савдо комплекслари, банкларда ижтимоий масофага амал қилмаслик, кўча-кўйда тиббий ниқоб тақмаслик, бемалол ва хотиржам бўлиб, уйларда турли тадбирлар ўтказиш ҳолатлари кўпаймоқда. Бундай салбий ҳолатлар касалликни аниқлаш, олдини олиш ва даволаш учун қилаётган барча ҳаракатларимиз, бюджетдан олинаётган триллионлаб харажатларимиз натижадорлигини йўққа чиқариши мумкин.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ТУРИЗМ ВА ДАВЛАТ АКТИВЛАРИ СОҲАЛАРИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 май куни туризм ва давлат активларини хусусийлаштириш соҳаларидаги лойиҳалар тақдими билан танишди.

Бугунги глобаллашув даврида мамлакатлар, одамлар узвий боғланган. Дунёнинг исталган ўлкаси бир қадамдек гап. Шу боис туризм энг катта соҳалардан бирига айланди. Мутахассислар туризمنى "туғаймайдиган нефть" деб ҳам аташади. Айрим мамлакатлар иқтисодиёти тўлиғича сайёҳлик индустриясига қурилган. Таҳлилларга кўра, одамлар самолётда учиб вақти 5 соатгача бўлган ўлкаларга энг кўп саёҳат қилади. Мамлакатимиз атрофида бундай масофада 60 га яқин давлатлар, 3 миллиард аҳоли бор. Бу улкан туризм бозори дегани.

сайёҳлик салоҳиятини тарғиб этиш мақсад қилинган. Коронавирус пандемияси туризм соҳасига салбий таъсир кўрсатди. Жаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра, 2020 йил якунига бўйича халқаро саёҳатлар 89 фоизга, иш ўринлари 74 миллионга қисқариши, соҳадаги жами йўқотишлар 800 миллиард долларни ташкил этиши кутилмоқда. Маълумки, жорий йил 16 мартдан мамлакатимиз ташқи ва ички сайёҳлар учун ёпилган эди. Оқибатда 1,5 мингдан ортиқ туроператорлар, 1,2 мингта меҳмонхона ўз фаолиятини тўхтатди. Бу гитлар, миллий хунармандчилик, зиёратгоҳ ва сихатгоҳлар, умумий овқатланиш, транспорт ва бошқалар билан қўшиб ҳисоблаганда 250 мингдан ортиқ аҳоли даромадига жиддий таъсир килди. Пандемиянинг оқибатларини юмшатиш мақсадида бу соҳага ҳам қатор энгилликлар берилди. Жумладан, 1 минг 750 та субъектга молмулк, ер ва ижтимоий солиқлардан 60 миллиард сўмга яқин имтиёз тақдим этилди. Лекин бу имтиёз ва преференциялар вақтинчалик. Доимий барқарор ривожланиш учун эса пандемия шароитида ишлашга ўрганиш зарур. Шу боис бу борадаги хоржий тажриба ўрганилди. Хусусан, "Uzbekistan. Safe travel guaranteed" ("Ўзбекистон. Хавфсиз саёҳат кафолатланган") бренди остида сайёҳлар учун санитария-эпидемиологик хавфсизлик тизими ишлаб чиқилди. Давлатимиз раҳбарига ушбу лойиҳа тақдим қилинди. Шунингдек, мамлакатимизда ички туризмни тиклаш ва ривожлантириш борасидаги режалар билан танишилди.

Президентимиз биринчи босқичда "яшил" худудлар ўртасида ички туризмга рухсат бериш зарурлигини таъкидлади. Тоғли жойлар ва кўл бўйларига энгил конструкцияли дам олиш масканларини ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди. Ҳокимлар билан биргаликда кўча дам олиш масканлари дислокацияси таъкидланиб, электрон порталга жойлаштирилди. Иккинчи босқичда коронавирус касаллиги жилволанган давлатлар рўйхатини шакллантириб, улар билан туризм алоқаларини босқичма-босқич тиклаш кераклиги таъкидланди. — **Туризм фаолиятини қайта тиклаш учун, энг аввало, меҳмонхоналар қандай ишлайди, сайёҳлар аэропортда қандай қабул қилинади, уларнинг мамлакат ичида ҳаракатланиши қандай ташкил этилади, деган саволларга аниқ жавоб бўлиши керак. Белгиланадиган меъёрлар содда, лекин касалликнинг олдини олиш учун етарли бўлиши лозим. Мисол учун, битта ҳолат аниқланса, бутун меҳмонхона карантинга олишга зарурат бўлмайди, деди Шавкат Мирзиёев.** Туризм йўналишида тадбиркорлар кўрган зарарини яқин 1-2 йил ичида тўлиқ қоплаш қийин. Шу боис Президентимиз бу соҳага қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш лозимлигини таъкидлади. Хусусан, туристик йиғимлардан озод қилиш бўйича аввал берилган имтиёз йил якунига қадар узайтирилди. Шунингдек, соҳа корхоналари фойда солигини ҳисоблаганда 2020-2021 йилдаги кўрган зарар-

ларини кейинги йиллар фойдасидан чегириб ташлашга рухсат берилди. Меҳмонхоналарга кўрсатган хизматининг 10 фоизи микдорда субсидия ажратилади. Бундан ташқари, уларга айланма маблағ учун кредит фоиз тўловларининг 10 фоизигача бўлган қисмига субсидия берилди. Рақобат — иқтисодиётнинг муҳим асосларидан бири. У маҳсулот ва хизматларда сифатни таъминлаб, аҳолига танлов имкониятини яратди. Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш ва монополияга қарши курашиш бўйича қурилатган чоралардан мақсад ана шу. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳамда унга мувофиқ 2019 йил 14 январда қабул қилинган "Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармонида бу борада аниқ вазифалар белгиланган эди. Бугунги кунда мамлакатимизда 2 минг 965 та давлат иштирокидаги корхона мавжуд. Уларнинг аксарияти эски усулда, самарасиз ишламоқда. Ушбу корхоналарнинг яримдан кўпи ҳатто дивиденд тўлаш имконига эга эмас. 2019 йил 11 декабрь куни Президент хузурида ўтказилган йиғилишда ушбу корхоналарни бозор принциплари асосида ислоҳ қилиш, хусусий инвесторларга сотиш бўйича топшириқлар берил-

ган эди. Шундан келиб чиқиб, республика бўйича ялпи хатлов ўтказилди. Йил бошидан бери 299 та давлат активлари 348 миллиард сўмга сотилди. Янги инвесторлар ушбу объектларга жами 3,3 триллион сўм инвестиция киритиб, 4 минг 700 нафар янги иш ўринлари яратиш мажбуриятини олган. Хусусан, "Ўзбекистон" меҳмонхонаси, собиқ "Чорсу" меҳмонхонаси, "Самарқандқимё" корхонаси, Қўнғирот сода заводидидаги давлат ва ҳўжалик жамиятлари улуши сотилди. Бу объектларга 425 миллион доллар инвестиция киритилиб, 800 та янги иш ўрни яратилди. Тақдиротда давлат активларини хусусийлаштириш, бўш турган объектлар ва ер майдонларини аниқлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш, давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарушни жорий этишга доир режалар ҳақида маълумот берилди. Президентимиз соҳадаги ишларни давом эттириб, яна 1 минг 400 га яқин давлат активларини хусусий инвесторларга беришни тезлаштириш зарурлигини таъкидлади. Вазирлар Маҳкамасига хусусийлаштириш дастурини тасдиқлаш вазифаси қўйилди. Давлат активларини бошқариш агентлигига тармоқ раҳбарлари билан бирга самарасиз ишлаётган 711 та корхонани тугатиш, 262 та корхонани қайта ташкил этиш, шунингдек, 500 дан зиёд бозорларни хусусийлаштириш бўйича топшириқ берилди. Давлат иштирокида сақлаб қолинадиган корхоналарини бошқариш ва ислоҳ қилиш бўйича янги тизим жорий этиш муҳимлиги қайд этилди.

Ў.А.

(Давоми 2-бетда.)

ЭЛНИНГ БУЮКЛИГИ УНИНГ МАЪНАВИЯТИ ВА МАДАНИЯТИДА КўРИНАДИ

Шу йилнинг бошидан қисқа вақт ичида дунёга ёйилган коронавирус барча давлатларни жиддий синовга қўйди. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти қаторида Ўзбекистон ҳам мазкур касалликка қарши жиддий курашмоқда. Ҳозир давлатимиз бор куч ва имкониятини нафақат бу офатни, балки унинг асоратларини ҳам бартараф қилишга сафарбар этган. Президентимизнинг тезкор, муаммолар ечимига аниқ йўналтирилган Фармон ҳамда қарорлари, видеоселектор йиғилишларида белгилаб бераётган вазифалари мазкур жараёнда муҳим аҳамият касб этаётир.

Огоҳлик

белгиланган қондалар, шахсий гигиена талаблари, шифокорлар маслаҳатларига қатъий риоя этиш орқалигина офатни энгши мумкинлигини англаб етди. Ташвишли кунларда фуқароларнинг вазиятини тўғри тушуниб, масалага онгли ёндашаётгани, аҳиллиги, бир-бирига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётгани, тартиб-интизом ва саришталик турмуш тарзига айланган одамларимизнинг юксак маънавиятидан ёрқин далолатдир. Мамлакатимизда бу дардан тузалаётганлар тобора кўпаймоқда. Бу ҳаммаизни қувонтиради, албатта. Аммо офат хавфи сақланиб турган, уни жилволаш мақсадида аҳоли ўртасида огоҳлантириш ва кенг тушунириш ишлари олиб борилаётган бўлса-да, келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни англамайдиган ёки англашни истамайдиган кишилар ҳам учраб тургани дилни хира қилади. Президентимиз кунча ўтказилган видеоселектор йиғилишида мамлакатимизда коронавирус пандемиясига қарши кураш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтар экан, аксарият худуд ва корхона раҳбарлари, фуқаролар карантин чораларининг юмшатилишини "касаллик туғадиган" деб, нотўғри қабул қилиши туфайли кейинги кунларда коронавирус билан касалланганлар сони республикамизда кўпайганлигини қайд этди. Бу ҳаммани хушёр тортириши лозим.

4-бетга қаранг.

МИЛЛИЙ БОЙЛИГИМИЗГА АЙЛАНГАН НОЁБ МАРКАЗ

Маълумотларга кўра, ҳар йили юртимизда 600 000 га яқин чақалоқлар дунёга келади. Бу кичик рақам эмас. Шу боис давлатимиз болалар саломатлиги, миллат генофонди ҳимоясига жиддий эътибор қаратмоқда.



Тиббиёт

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан пойтахтимизнинг Яшнобод туманида барпо этилган Болалар миллий тиббиёт маркази бу эзгу мақсадлар йўлидаги мега-лойиҳадир. Лойиҳа қиймати 130 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган мазкур марказ Корея Республикаси кўмагида, "Бам" корпорацияси лойиҳаси бўйича қурилди. Юқори технологиялар асосида хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган ушбу тиббиёт муассасасида йилга 1,5 мингдан зиёд ноёб, айна пайтада шу вақтга қадар республикамизда амалга оширилмаган жарроҳлик амалиётларини бажариш имконияти мавжуд.

4

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

Давлат бюджети ижроси устидан назорат кучайтирилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари, Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмиталарининг видеоконференция шаклидаги навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йилдаги ҳамда 2020 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботлари қўриб чиқилди. Депутатлар кун тартибидидаги масала бўйича дастлаб Молия вазирлигининг, сўнгра тақлиф этилган вазирлар, давлат мақсадли жамғармалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишди. Ҳисоботда 2019 йилда макроиктисодий кўрсаткичлар, шунингдек,

Давлат бюджети даромадлари ҳажми ижобий ўсish тенденциясига эга бўлганлиги таъкидланди. Ижтимоий соҳаларни янада ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилгани қайд этилди. Жумладан, ҳисобот даврида ижтимоий харажатларни молиялаштириш ҳажми Давлат бюджети умумий харажатларининг 53,8 фоизини, яъни ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 12,4 фоизни ташкил этган.

3

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги "Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6000-сон Фармонида мувофиқ: 1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик (кейинги ўринларда — Маданият вазирилик) фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида: "Ахборот ва компьютер технологиялари маркази" давлат муассасаси "Ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва ахборот-мултимедиа маркази" давлат муассасаси этиб қайта номлансин; Маданият ва санъат кўргазмаси ҳамда Ёшлар маданият ва санъат маркази тугатилсин, уларнинг бюджетдан молиялаштириладиган штат бирликлари, балансида бўлган бинолар ҳамда бошқа моддий-техника воситалари Маданият вазириликга ўтказилсин; Маданият вазирилик хузуридаги Маданий мерос департаменти (кейинги ўринларда — Департамент) ва унинг барча худудий бошқармалари тузилмасида тегишлича юридик шахс мақомига эга бўлмаган Бадий экспертиза бошқармаси ҳамда бадий экспертиза бўлиmlари ташкил этилсин; Маданият вазирилик хузуридаги Бадий экспертиза бошқармаси, унинг худудий бўлиmlари тугатилсин, уларнинг мавжуд штат бирликлари ҳамда мол-мулклари молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда тегишлича Департамент ҳамда унинг худудий бошқармаларига, пул маблағлари эса — Департаментнинг бюджетдан ташқари Маданий мерос жамғармасига ўтказилсин; Маданият вазирилик хузуридаги "Маданий мерос тиклаш-таъмирлаш" давлат унитар корхонаси ҳамда Департамент хузуридаги "Мерос чашмаси" давлат унитар корхонаси тугатилсин, уларга ҳўжалик юритиш, оператив бошқарув ва доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан тегишли бўлган бинолар ҳамда бошқа моддий-техника воситалари белгиланган тартибда Маданий мерос илмий-тадқиқот институтига ўтказилсин;

(Давоми 2-бетда.)

